

ЖАЛЛК СЎЗИ

Газетамиз 1991 йил 1 январдан чиқа бошлади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

23 ОКТЯБРЬ, ЖУМА. № 207 (458), 1992 йил. Сўтуда эркин нархда

ҚИШ ҲАМ ҲАМКОРЛИК: ВИЛОЯТЛАРДА УНГА ТАЙЁРГАРЛИК НЕГА СУСТКАШЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА ҚИШГА МЕВА-САБЗАВОТЛАР ТАЙЁРЛАШ, ХАЛҚ ҲУЖАЛИГИНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИ УЧУН ЕНИЛГИ ЗАХИРАЛАРИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ҳавонинг авзойи тундлашган шу кунларда одамлар ҳар домгидек қиш ғамини ёши тарадудига тушиб қолмади. Бозордаги картошка, мева-чева ва бошқа зарур маҳсулотларнинг баҳосидаги бекарорлик ана шу ташвиш билан юрган хонадон соҳиблари қўнғида тикилган тугдирди. Онамлар қишда бу йил хонадонлар қандай иситилишини ўйласалар, улловдорлар ёниги муаммоси қачон бартарф бўлишидан ташвиш чекадилар.

Ўзбекистон Президентини ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида бўлиб ўтган мажлис ахли ватанимиз фуқароларининг ана шу борадаги ташвишларини енгиллаштириш чораларини муҳокама этди. Кун тартибидagi масалалар инсонлар тақдирини мустақил жумҳуриятимиз келажиги учун гоёт муҳимлиги боис мажлисда республика вазирилари, кооператорлари, ассоциациялари, уюшмалари, банклари, олий ўқув юрталари, ҳуқуқ-тартибот органлари, раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулқошим Муталов бошқарди.

Дастлаб мажлисда мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка тайёрлаш, уларни қиш учун сақлаш ҳамда қишлоқ ҳўжалик ишларининг аҳоли тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Об-ҳавонинг ноқулайлиги, куннинг эрта тушуши деҳқонларимизнинг ҳар галгидан кўпроқ заҳматини эвазига еттиштиришга мўл ҳосилини тез ва исрофгарчиликсиз йиғиб-териб олиш ҳамда республика аҳолисининг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига бўлган талаб-ни тўлароқ қондиришига эришиш учун бор куч-ғайратни сафарбар қилишга ундайди.

Айрим раҳбарлар ана шу сафарбарлик ҳиссини тўла олмаётганлар. Республика бўйича сабзавот маҳсулот-

ган, ҳоло, «Ўзмева-сабзавот-узумсановат» уюшмаси «Ўз-кооптайёрловсарвод» таш-килотларининг мева ва саб-завот дўконлари қарийб бўм-бўш. Айрим дўкон со-тувчилари энг яхши маҳсу-лотларни бозор чайқовчилари-га пуллаб, дўконда маҳ-сулотлар ўтмайганини рў-қач қилишмоқда. Халқнинг кўзини бўйш ҳисобига бойлик ортираётган бун-дай кимсалар иш қўраёт-ган жойларда аудлик би-чдан тартиб ўрнатиш зарур.

Шу масала бўйича фикр билдирар экан, республика Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмомил Жўрабеков юқо-ридаги мулоҳазаларнинг ҳа-қиқат эканлигиндан таш-вишланаётганини изҳор эт-ди.

Биз ўтган йили ҳам оғир шароитларда ҳосил еттишти-рганимиз, деди у. Бироқ мас-туватини ҳақиқат ҳис этиб и-шлаганимиз туфайли режа-ларни удалашга эришган-дик. Аммо бу йил ҳамма соҳада — пахтачиликда, шо-личиликда ва сабзавотни йиғиб олишда ҳам 20—25 фоиз орқадимиз. Ҳамма на-сага табиатини айбдор қи-либ ўтиришдан наф йўқ. Бунинг ўрнига меҳнат қи-лиш керак. Ишлаганлар оғир шароитга қарамай, ре-жаларини удалаятиш ҳам. Биз шу кунгача маккажў-хорининг қарийб 95 фоизи-ни ўриб бўладик. Салқончи кунлар ичида ўрим нисқо-лига етказилди. Лекин унинг донини давлатга топ-шириш тавсияга солинаёт-ганидан ташвишдими. Ҳа-ма 28—30 октябргача ҳў-жаликлардаги маккани ян-чи, қўриқтиб давлатга топ-шириш имкониятимиз бор. Ана шу имкониятнинг бой берилишига йўл қўйиб бў-лайди.

Бу йил камида 600—630 минг тонна шодли етишти-ришга умид болганган. Шундан 400 минг тоннаси давлатга топширилади. Бу

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ПАХТАНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Еттиштирилган пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олишда қишлоқ ҳўжалик меҳнатчиларини рағбатлантириш, моддий-техника ва энергетика ресурсларига олиб кетган ҳа-ражатларни қоплаш, шунинг-дек ҳўжаликларнинг иқтисо-дийетини янада ривожлантириш ва мустақамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадига:

1. 1992 йилги ҳосилдан бош-

лаб давлат буюртмаси ҳисобидан давлатга сотиладиган пахтанинг амалдаги ҳажми нархлари 1,5 баравар оширилсин (ҳўжаликлар пахта тайёрлаш режасидagi маҳсулотнинг 15 фоизини ва режадан ташқари пахта ҳажмининг эркин шартномавий нархларда сота-дилар).

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Қиш-

лоқ ҳўжалик вазирлиги билан биргаликда ушбу фармоннинг 1-бандига мувофиқ пахта заводларининг сотилган пахта учун ҳўжаликлар билан ҳисоб-китоб қилиш тартибини ишлаб чиқсин. Бунда даромад-лар ҳолисона тақсимлашни кўзда тутилиб, молиявий қои-далар бузилишига ва сунистез-молларга йўл қўйилмасин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги пахтанинг янги ҳажми нархлари ҳамда пахта доласининг улгурчи нархлари прейскурантларини ишлаб чиқиб, тегишли вазирликлар ва идораларга етказсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 22 октябрь.

«ПАХТАНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Пахтачилик Республика қишлоқ ҳўжалигининг етакчи тармоғи эканлиги ҳақида маълум ва бу тан олингандир. Зотан, қишлоқ меҳнатчилари-ми турмушининг фаровонли-ги шу соҳадаги ишларнинг ҳа-волига ҳал қилувчи даражада боғлиқ.

Жорий қишлоқ ҳўжалик йили нисҳатда оғир келди. Биринчидан, баҳорги ноқулай об-ҳаво шароитлари талайгина майдонлардаги чигитини ан-ча кеч муддатларда қайтадан экинни тақозо этди, серғайир келган куз эса ҳосилни энг мақбул қисқа муддатларда ва энг кам сарф-қаражатлар билан йиғиб-териб олиш суръат-ларига жиддий таъсир қилди. Иккинчидан, республикага олиб келинмаган энергия манбалари-нинг нархлари бир неча ба-рорбар ўсгани, моддий-техника ресурслари ҳамда машина-у-куналар қимматлашгани пахта етиштириш ва тайёрлаш сарф-харажатларини ҳам худди шун-дай ошириб юборди. Ва, ни-ҳоят, унчиндан, товарлар ва маҳсулотга нархлар эркин

белгилаётгани қишлоқ меҳ-натчиларининг иш ҳақи ўз вақтида, безан эса олдиндан оширилиши ҳамда аҳолининг иш ҳақи муайян тоифаларига қонунда кўзда тутилган имти-залар берилиши таъминлаши-ни талаб қилди.

Мана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, Республика Президентини ва ҳукумати жа-моа ҳўжаликларни, давлат ҳў-жаликларини ҳамда бошқа қи-шлоқ ҳўжалик корхоналарининг иқтисодийетини мустақам-лаш, қишлоқ аҳлимининг иж-тимоий муаммоларини ҳал этиш юзасидан йил мобайнида бир қанча аниқ чора-тадбир-ларни амалга оширдилар. Чу-нончи, қишлоқ ҳўжалигидеги қў-шимча қийматдан олинмаган солиқни бекор қилишнинг ўз-гина қишлоққа 23 миллиард сў-мин тевжаб қилиш имконини берди. Шу йилнинг март ойи-да пахтанинг харид нархлари қайта кўриб чиқилиб, 1991 йилга нисбатан ўрта ҳисобда 6 баравар оширилди, деҳқон-чилик маҳсулотлари бошқа

либ белгилашган иш ҳақи тў-лавишини таъминлашга ҳам сарфланади. Энг муҳими эса у республикадаги пахтакор ҳў-жаликларнинг гоёт мақбул тарздаги рентабеллигини таъ-минлаши лозим.

Бунда шунинг назарда тутиш муҳими, ҳўжаликлар буюрт-ма берилган ҳажмининг 15 фо-изини ва режадан ташқари пахтанинг ҳажмасини эркин бозор нархларида сотадилар. Бу эса ўз навбатида ҳўжалик-лар даромадининг қўшимча ман-бандир.

Давлат кечиктириб бўлма-йдиган бундай чора-тадбирлар-ни онгли равишда амалга оширляпти. Бу чора-тадбирлар етиштирилган пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олишда қишлоқ ҳўжалик меҳнатчилари-нинг моддий жиҳатдан рағ-батлантирилиши ҳамда респу-блика ҳўжаликларининг иқтис-одийетини янада ривожланти-риш ва мустақамлаш учун зар-ур шарт-шароитларни яра-тиши таъминлаш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН—БОЖХОНА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ

Бельгиянинг Москвадаги элчихонаси хабарига кўра, шу йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Божхона ҳамкорлик кенгашининг кон-венцияси ва унинг 1990 йил 15 декабрда қабул қилинган. Иловаваларига қўшилиш йўли билан мазкур ташкилотга аъзо бўлди. Бу ҳақидаги ҳужжатни Бельгия Ташқи ишлар, савдо ва ҳамкорликнинг ривожланти-риш вазирлиги аъзо мамла-катлар ҳўжатларини савдо-чи сифатида рўйхатдан ўтказ-ди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот маркази.

Бўйсунмаган ташкилотда иш-тирок этиш республикамиз-нинг дунё божхона тизими билан ҳамкорлик қилишида, божхонамиз конюнчилиги ва қондаларини халқро ҳўқуқ меъёрлари билан мувофиқ-лаштиришда, Ўзбекистон Бож-хона хизматини янада тақо-миллаштириш ва бу соҳада кедарлар тайёрлаш, божхона талабларини бир-бирига яқин-лаштиришда кўмаклашади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОИ

СИРДАРЕ ВА СУРХОН ДАРЕ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ БАЪЗИ БИР РАЙОН ВА ШАҲАР ПОСЕЛКАЛАРИ-НИНГ НОМЛАРИНИ ҲАҚИЯТИНИНГ ҲАҚИЯТИНИНГ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати қарор қилди:

Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари ҳам-да Халқ депутатлари те-гишли район Советларининг илтимослари нобатга оли-ниб, Сирдарё вилоятидаги Қомсомол районининг номи

Мирзаобод району, Сурхон-дарё вилоятидаги Гагарин районининг номи Музабоб району, Ленин йўли рай-онининг номи Қизилқў-району, шу районнинг маъму-рий маркази бўлган Ленин йўли шаҳар посёлкасининг номи эса Сарик шаҳар по-сёлкаси деб ўзгартирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёси Ш. ИУЛДОШЕВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 22 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОИ

УЛЬЯНОВ РАЙОНИ ВА УЛЬЯНОВСК ПУНКТНИНГ ТАРИХИЙ НОМЛАРИНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати қарор қилди:


Қаشقадарё вилояти ҳокими ва Халқ депутатлари Ульянов район Советининг илтимос-лари нобатга олиниб, Уль-

янов районининг Қасби де-дан, районинг маъмурий маркази — Ульяновск аҳо-ли пунктининг Муғлон де-ган тарихий номлари тик-лансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёси Ш. ИУЛДОШЕВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 22 октябрь.

ҲАР КУННИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Маҳсулот номи	Нархи (сўм)	НАРХЛАР НЕЧА БАРАВАР ОШИДИ			ДОРИ-ДАРМОНЛАР		
		1990 й. Апрель	1992 й. Октябрь	Нархнинг ошиши (баравар)	Нархи (сўм)	1990 й. Октябрь	1992 й. Октябрь
1. Жавдари нон		0,18	19—22	114			
2. Бугўрй нон							
3. Ул, кг	0,18—0,25	18—24	100				
4. Картошка, кг	0,46	47	102				
5. Лағзани, кг	0,20	20—25	112				
6. Карам, кг	0,15	20—29	183				
7. Сабз, кг	0,30	25—35	100				
8. Творог, кг	0,18	25—30	152				
9. Туз, кг	0,75—1,1	80—120	107				
10. Қанд-шакар, кг	0,08—0,1	7—9	100				
11. Сули ёрмаси «Геркулес»	0,9—1,04	104—107	108				
12. Ширин қалампир, кг	0,5	25	119				
13. Гречка ёрмаси, кг	0,21	25	119				
14. Сосиска, кг	0,40	40	100				
15. Гугурт	0,56	60—103	145				
	2,40	230—250	100				
	0,01	1,23	123				



Балиқ ҳам дастурхон зийнати.

ётган аниқ молга унчалик ало-қадор бўлмайд. Тушуниниға тушунамиз, аммо паштаха-даги нархга қариб, тасодифан ортинча мол қўйиб юборилган эмасми, деб сўраб ўтирмай, ўзим учун нарх-наво ўсиши-нинг бутун бошқа нисбатлар-ини ҳисоблаб оламиз. Дарҳа-қиқат, назарий мунозаранинг, нарх-навоини ҳисоблаш усулла-ри қаҳда баҳслашишининг ил-ми ҳожаги бор, — ахириси Москванинг турли дўконлари-га кўриб, маҳсулотларини, бо-шқа молларни (шундай моллар бор бўлса) кўриб, уларнинг қийматини 2—2,5 йил аввалги-сига таққислаб қўяқолса бў-лайдими. Қасба уюшмалари умумий конфедерациясининг турмуш даражаси муаммолари билан шурулангани мута-хассислари иштирокида худди шундай қилдик.

Босилаётган жаваб, назар-римда, қимматчиллиги ошгани тўғрисидаги саволга жуда аниқ жавоб берди. Москвада ил-ки янги йил мобайнида қў-лгина эсосий озик-овқат маҳ-сулотлари ва дори-дармонлар-нинг нархлари 100 баравар ва ундан ҳам кўпроқ ошди. Бу

Дори-дармонлар қаҳда умуман гапирмаган ахирок. Ҳатто энг зарур дориларни сотиб олиш ҳам кам даромад-ли одамларнинг қанақадан қи-лади. Уларнинг нархи 100, 350, 426 баравар ошган...

(Давоми 3-бетда).

Ш. ИВРОХИМОВ олган сурат.

• Ҳақиқатнинг машаққатли сўқмоқлари

«Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейдилар. Янгиллик тўққизлик қилган, фақат ўзини ўйлайдиганлар жабрини кўп тортдим. 1979 йил май ойида Тошкент тиббиёт институтида электрофарезда мумини қўллаб радикулит [бод]ни даволаш тўғрисида диссертация ёқлаган бўлсам-да, у ҳамон тасдиқланмаган. Бунга асосан Москвадаги амалдорлар сабаб бўлишди... Ўзбекистонда алоҳида Олий аттестацион комиссия тизилганини эшитиб, бошим кўнка етди...»

Комаров бир зум ўйланб турди-да, барибир ишнинг мумини боғлиқ томони бор, биз фармакомететдан қўқамиз, деди ошқора!

хатлар турли олий ташкилотларга юборилса-да, совуқ жавоб, нуқул СССР Вазирлар Кенгаши ҳузурида Олий аттестация комиссиясидан келарди. Фақат илмий ишга нисбатан эмас, балки бод азобини тортиб юрган минглаб кишилар тақдирга шафқат қилмаган жавоблар...

ЭЪЛОНЛАР
КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Электр ва иссиқлик энергиясини етказиб бериш учун 1 ноябрга қадар энергия билан таъминловчи ташкилотлар билан янги нархларни ҳисобга олган ҳолда қайта шартномалар тузиш ёки қўшимча рухсатномалар олиш керак.

ИССИҚЛИК ВА
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
ҚАНЧА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИ
ЯНГИДАН БЕЛГИЛАБ ОЛИНСИН.

19 октябрдан бошлаб бюджет ташкилотлари ва қйшлоқ хўжалиги истеъмолчилари учун электр энергияси 10,3 баравар, иссиқлик энергияси — 9,4 баравар оширилади. Саноат корхоналари учун келишилган нархлар (эркин нарх) белгиланади.

«ЎЗЭНЕРГОНАЗОР»

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР

Сиз агар бизнес ва тижорат оламидаги энг сўнги янгилқлардан хабардор бўлишни, Туркия жумҳуриятидаги хусусий ҳамда давлат корхона ва фирмалари билан ҳамкорлик қилишни истасангиз,

«ТУРКИЯ-92» КАТАЛОГИНИ
СОТИБ ОЛИНГ.

Бу каталог ҳар йили нашр қилинади ва унда Туркиядаги фирмаларнинг манзилгоҳлари ҳамда ишлаб чиқарётган маҳсулотларининг рангли суратлари чоп этилади. «ТУРКИЯ-92» каталоги билан танишган киши Туркия жумҳуриятининг бугунги иқтисодий имкониятлари ҳақида кенг тасаввурга эга бўлади. У айниқса ишбилармонлар учун энг керакли қўлланма ҳисобланади. «ТУРКИЯ-92» каталоги инглиз ва рус тилларида нашр этилган ва сўмларга сотиб олиш имкони бор. «ТУРКИЯ-92» каталогини сотиб олишни хоҳласангиз куйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: 700000, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Телефон: 33-07-48, 32-09-25.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 6 октябрдаги «Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларини тузиш ҳамда лицензия бериш тартиби тўғрисидаги № 462 Қарорига мувофиқ маҳаллий ҳокимият органларига республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча турдаги давлат тасарруфида бўлмаган муассасаларни қайта рўйхатдан ўтказиш топширилган.

ҚАЙТА РЎЙХАТДАН УТМАГАН ВА ЛИЦЕНЗИЯ
ОЛМАГАН ШУНДАЙ МУАССАСАЛАРИНИНГ
ФАОЛИЯТИ МАН ЭТИЛАДИ

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларига лицензия бериш бўйича ишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига топширилган. Маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Намойишлар ҳўбони, 5. Телефонлар: 39-17-56, 39-13-04.

Ўзбекистон Республикаси Ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси жамоаси масъул ходима Д. И. Қориевага отаси Эгамберди УСМОН ҚОРИ ўғлининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раҳбарияти ва жамоаси Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабековга қайнонаси Фотима НАБИЕВАНING вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳор қилади.

ИБН СИНО, ШУКУР ҚИЛИНГ!

ҳангомалар кутиб турарди. Уша 1979 йилнинг охирида Мамажоновни Москвага ВАК эксперт кенгашига чақирди. Қирғиз ақия академиги, профессорлар ҳузурида диссертация қайтадан ёқланди. Ҳимоядан сўнг кенгашга расулик қилган академик И. Ф. Комаров бу иш юкнкта диссертацияга тўғри келадди, деди. Диссертацияни осмонга кўтарди ва, аёвсиз ташлаб юборди: «Афсуски, уни тасдиқлашга иложимиз йўқ, чунки мумин билан даволаш фармакология комитети ижозат берган эмас, шунинг учун сиз боринингизни давом эттиравингиз, рухсат бўлди дегунча, биз сизга хабар берамиз ва дипломингизни олиб кетасиз».

дан Мамажоновга фалати жавоб келди. Хатнинг қисқача мазмунини айтганидан бўлса, тадиқотчи — шифокорга 29 ноябрда ўзининг ишироқида илмий иш кўриб чиқилиб, маъқуллагани аммо 26 декабрь кунини бекор қилингани айтилган. Кейинги гаплар бундан ҳам ажабдор: «Сиз бир ярим ой орасида шикоят қилишингиз мумкин эди, энди вақт ўтиди».

Фойдаланиш учун фармакология комитетининг рухсати зарур эмаслигини билдиради. Фарсиянинг биринчи муовини Г. А. Ульянова, 7 июль, 1981 йил. Мақсади фақат эзгу — беморлар дардида даво олиш бўлган шифокор тох куйди, гоҳ куйди. Ленин ишнинг қатъий давом эттирарди. Профессор Наби Мажилов раҳбарлигида битта монография 3 та методик қўлланма нашр этилди. Ўзбекистон, Тожикистон, Украина жумҳурияларидаги, шунингдек, совиқ марказдаги журналларда, илмий гўпламларда ўнлаб мақолалари босилди. Олимнинг илмий иши расман тасдиқланмаса-да, ундан қўлланиш доираси амалда кенгайиб бораверди. Ҳозир дунёнинг ҳамма давлатларида муминиёи электрофарез усулида турли хил касалқлар даволамоқда, чунки

Мамажонов: Майли, балки муминга махсус рухсат керакдир, лекин даволаш усулига нима дейсиз, дея саволини кўндаланг куйди.

Мамажон адолат сўраб нуфузли газеталардан тортиб КПСС XXVII съездида, СССР Олий Кенгаши, шифокорлар курултойига-ча юздан ортиқ хат ёзди... Раҳбарлар алмашавари: Брежнев, Андропов, Черненко, Горбачев — ҳамма-сига мурожаат қилди. Гарчи

ШИМОЛИЙ КАВКАЗ ХАЛҚ
ҚЎШИҚЛАРИ

ҚОР ЁҒАР
Қор ёғар, ёғар тинмай...
Хирллаб ухлайди бой.

ҚИРЧАНҒИ АРЗИ

Осмон каби
Рангим кўн,
Чиройлиман
Кўнглим тўн,
Лекин мендан
Бахтсиз йўн.

ЙИГИТ ВА ҚИЗ АЙТИШУВИ

— Коккилни кўрсат, ай, сулу.
— Ботир ишгит, йўлингдан қолма,
Коккилни кўрмоқ истасанг,
Қора отнинг ёлға қара.
— Кўзларингиз кўрсаткил, сулу.
— Боғда чарос кўрганмисан ҳеч?
Кўзларим шу чаросга монанд.
— Дилим тўла ялғизо, ўтинч,
Қошларингиз кўрсаткил, сулу.
— Кўрмагансан зулукини, нахот?
Икки дошим — икки зулу-ку!



ИБО. М. НАЗАР олган сурат.

ОДАМЛАР ВА ҚОНУНЛАР
СИЗ ҚАЕРДА ҚАТЛ ЭТИЛИШИНГИЗ МУМКИН?

Улим жазоси ҳозирги даврда юздан ортиқ мамлакатда қўлланилмоқда. Бу жазога қарши бўлганлар ҳам, тарафдорлари ҳам қанча керак бўлса топиллади. Шундай қилиб, бизнинг давримизда НИМА УЧУН ҚАТЛ ЭТИШАДИ? Масалан, жосуслик, давлат хавфсизлигига қарши жиноятчилик, қотиллик... учун қўлга мамлакатларда ўлим

— бесоқалбозлар (Эрон, Мавритания);
— шарм-ҳайсиз суратларни намойиш қилганлар ёки чоп этганлар (Хитой);
— қўшмачилар, фоҳишахона очганлар (Хитой);
— ўт қўйганлар (Марокаш ва Ғарбий Саҳрон Қабир);
— чайқовчилар (Мозамбик);
— ҳаво ёки сувни ўта ифлослаштирганлар (Япан);
— Муҳаммад пайгамбарни ҳақоратлаганлар (Покистон);
— сеҳри билан одам ўлдирган жодугарлар (Руанда);
Америка Қўшма Штатлари сенати 1990 йил 11 июлда 34 жиноят бўйича ўлим жазоси белгилаган қонун лўйиҳасини тасдиқлади.
Собиқ Шўролар Иттифоқида ҳам 14 жиноят бўйича олий жазога ҳукм қилинади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Вуэртига Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖўРАБОВ.
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсирғал БОЛИЕВ [масъул котиб, «Халқ сўзи»], Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ [бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари], Лев ПАК [бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»], Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ [бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»], Қўламад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ [бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»], Александр УЛИЧКИН [масъул котиб, «Народное слово»], Мухтарам УЛУҒОВА [бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»], Раим ФАҲДИЙ, Шавкат ЯҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидхўрр ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.
● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.